

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 84-ҳадис

84 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَعْقِدُ الشَّيْطَانُ عَلَى قَافِيَّةِ رَأْسٍ أَحَدِكُمْ، إِذَا هُوَ نَامَ ثَلَاثَ عُقْدٍ، يَضْرِبُ عَلَى كُلِّ عُقْدَةٍ: عَلَيْكَ لَيْلٌ طَوِيلٌ فَارِغٌ، فَإِنْ اسْتَيْقَظَ، فَلَكَرَ اللَّهُ تَعَالَى انْخَلَقَتْ عُقْدَةٌ، فَإِنْ تَوَضَّأَ انْخَلَقَتْ عُقْدَةٌ، فَإِنْ صَلَّى انْخَلَقَتْ عُقْدُهُ كُلُّهَا، فَأَصْبَحَ نَشِيطًا طَيِّبَ النَّفْسِ، وَإِلَّا أَصْبَحَ حَبِيبَ النَّفْسِ كَسْلَانَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

قَافِيَّةُ الرَّأْسِ: آخِرُهُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирингиз ухлаганда шайтон унинг гарданига учта тугун тугади. Ҳар бир тугунни тугаркан, (уни маҳкамлаб) «Сен учун тун ҳали узун, ухлайвер!» дейди. Агар уйғониб, Аллоҳни зикр қилса, бир тугун ечилади. Тахорат қилса, яна бир тугун ечилади. Намоз ўқиса, яна бир тугун ечилиб, тетик, рухи пок бўлади. Акс ҳолда рухи чиркин, дангаса бўлиб ўрнидан туради», дедилар».

Муттафакун алайҳ.

Шарҳ: Мўъмин билан шайтон орасидаги кураш ҳеч қачон тугамайди. У душман бандани нотўғри йўлга солмагунича тинчимайди. Лекин муҳлис бандалар устида унда ҳукмронлик йўқдир. У ҳатто уйқу пайтида ҳам бандани тарк қилмайди. Мана Расулуллоҳ с.а.в.нинг сўзларига қулоқ солинг: **“Бирингиз ухлаганда шайтон унинг гарданига васваса қилиб учта тугун тугади ва тунинг жуда узун, уйғонишинг, намоз ва ибодатга машғул бўлмаслигинг керак....., деб айтади.** Агар банда уйқусидан уйғониб, Пайғамбарининг кўрсатмаларига амал қилса, ундаги бир тугун ечилади. Агар Аллоҳ номи билан паноҳ тилаб, тўшагидан турса ва таҳорат олса, иккинчи тугун ечилади. Энди ечилмаган учинчи тугун қолди. Агар банда Роббиси ҳузурида туриб, такбир айтса ва намозга киришса,

учинчи тугун ҳам ечилади. Унинг ризқи ва молида барака берилади. У шу билан шайтонни мағлуб қиласади. Аммо Пайғамбар алайҳиссаломнинг кўрсатмаларига амал қиласдан юқоридаги нарсани аксини бажарса, ўзини нохуш ҳис қиласади, ишида дангасаликка йўл қўяди.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Шайтон инсонни пистирмада туриб зиён қилиш учун доим фурсат кутади.
2. Шайтон ҳар куни одамларни адаштиришдан эринмайди, тўхтамайди.
3. Шайтонинг тугунини ечишда зикр, таҳорат ва намознинг ўрни бемислдир.
4. Шайтоннинг тугунидан халос бўлган кимса руҳида ва жисмида енгилликни ҳис қиласади.

Манба: hadis.islom.uz

